

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Хонқа туман МТБ” мудир

Ф.Саби

2022 йил

БУЮРТМАЧИ

Хонқа туман мактабгача таълим бўлимига қаршли мактабгача таълим ташкилотларининг иситиш мосламалари, дудбурон ва шамоллатиш йулларини ёнгин хавфсизлиги буйича(муриларини тозалашга) техник куриқдан утказиш ва ёнгинга қарши тадбирлар утказиш хизмати

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хонқа туман мактабгача таълим бўлимига қаршли мактабгача таълим ташкилотларининг иситиш мосламалари, дудбурон ва шамоллатиш йулларини ёнгин хавфсизлиги буйича(муриларини тозалашга) техник куриқдан утказиш ва ёнгинга қарши тадбирлар утказиш хизмати

Хонқа тумани 2022 йил

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №-684 сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқади

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.1 Хонқа туман мактабгача таълим бўлимига қаршли мактабгача таълим ташкилотларининг иситиш мосламалари, дудбурон ва шамоллатиш йулларини ёнгин хавфсизлиги буйича(муриларини тозалашга) техник куриқдан утказиш ва ёнгинга қарши тадбирлар утказиш хизмати

1.2 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Хонқа туман МТБ (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Хонқа тумани Иморат кўчаси 1 уй

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Хонқа туман МТБ Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20% миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк қафолатномаси, ишлар хизматларни махсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги;

- ўз қучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот;

- Низом гувоҳнома маблағ миқдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган махсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (Etendr.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этишлари лозим:

Техник қисм Буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш хизматлар маҳсулотлар нархлари турма тур кўрсатилиши керак;

техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухранган ҳолда; техник хужжатлар руйхати

4.4 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

-Тақдим қилинган хужжатларнинг ҳақиқийлигига ва маълумотларнинг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкин;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан, камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли.

Сўров келиб тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.